

## ОНА ТИЛИ (ЎЗБЕК ТИЛИ) ТАЪЛИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

**Кларахон Мавлонова**, Алишер Навоий номидаги  
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети  
доценти

**Абдуназар Раҳмонқул**, Хўжанд давлат университети доценти

Таълим мазмунини ислоҳ қилиш ва уни янги сифат босқичига кўтариш билан боғлиқ жараёнда она тилини ўқитиш методикасини такомиллаштириш ҳам долзарб масалага айланиб она тили фанини ўқитиш концепцияси, миллий ўқув дастури ишлаб чиқилди, “Она тили” дарсликларининг янги авлоди коммуникатив ва когнитив-прагматик ёндашувлар асосида яратила бошланди.

Она тили дарсларида ҳар қандай услубдаги матнни ўқиш (ёки эшитиш) ва уни англаш, танқидий ва ижодий фикрлаш билан боғлиқ малакани шакллантириш назарда тутилса, грамматик саводхонлик жараёнида профессор Б.Менглиев таъкидлаганидек, асосий диққатни ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, сўзларнинг маъно нозикликлари, фарқ ва ўхшашликларини ҳис қилиш ва англаб етиш, беҳато талаффуз қилиш ва ёзиш, сўзларни боғлаб гап, гаплардан эса матн туза олиш, бирикмалардаги маъновий ва грамматик, матндаги мантиқий хатоликларни топиш ва тузатиш, ўзгалар фикрини тўғри англаш, бир фикрни турли шаклда ифодалаш, узилган фикрнинг давомини тиклаш каби қатор мантиқий операцияларни бажариш, нутқ вазиятини тўғри баҳолаш ва тил имкониятларидан унга мос равишда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ва тил малакасини ўстиришга қаратиш зарур.

Она тили фанидан ишлаб чиқилган Миллий ўқув дастуридаги энг асосий ўзгаришлардан бири – бу она тили таълимида лингвистикага оид назарий билимларнинг амалий табиатли нутқий компетенциялар устида ишлашга йўналтирилганидир. Методист олим профессор В.Қодиров “Янги ўқув дастури спиралсимон, яъни янги маълумотларни бериш баробарида олдин ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларга қайтиб, уларни такрорлаб, янги билимлар билан уйғунлаштириш тамойилида тузилган экан, у ёки бу грамматик қоидаларни қай тарзда тушунтириш ва қандай қилиб нутқий компетенцияларни шакллантиришга бўйсундириш, шунингдек, амалий кўникмаларни малакаларга ва малакаларни компетенция даражасида шакллантириш юзасидан изланишлар, тажрибалар, тадқиқотларни йўлга қўйиш даркор”лиги ҳақида асосли таклифларни беради. Дарҳақиқат, она тилини ўқитиш методикасининг мазкур илмий-методик муаммолари ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Шундай вазиятда хорижда тилни она тили сифатида ўқитишдаги йиллар синовидан ўтган тажрибаларни она тилимизнинг табиати, ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда татбиқ этиш зарурати юзага келди. Тилшунос олим И.Азимова айнан ушбу масаланинг ечимига қаратилган илмий-методик вазифани амалга оширди (ишчи гуруҳ тузилди, миллий ҳамда

хорижий методикадаги жиҳатлар мувофиқлаштирилди, дастур ва ушбу дастур асосида дарслик лойиҳалари тайёрланди).

Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш давомида қуйидаги манбалар ўрганилди, таҳлил қилинди ҳамда миллий хусусиятлар, она тилимиз табиати инобатга олинган ҳолда дастур мазмунига сингдирилди: амалдаги ДТС асосидаги малака талаблари; амалдаги Она тили ўқув дастури; амалдаги “Она тили” дарсликлари; амалдаги баҳолаш мезонлари; АҚШнинг “Мактабгача ва умумий ўрта таълим босқичларида Инглиз тили ва математикани ўқитиш ва синовдан ўтказиш бўйича таълим стандартлари” (Common Core); Янги Зеландияда инглиз тилини ўқитиш бўйича таълим стандартлар (English In New Zealand Curriculum); Туркиянинг “Туркча” фани ўқув дастурлари, малака талаблари; 1–9-синфлар учун “Туркча” фани дарсликлари; 10–12-синфлар учун “Турк тили ва адабиёти фани дарсликлари; Кембриж мактаблари учун “Инглиз тили” фани дарсликлари; АҚШнинг Флорида штати “Инглиз тили санъати” таълим стандартлари (English Language Arts Grade 0–12). “Тил ўқитиш методологияси: ўқитувчилар учун қўлланма” (Devid Nunan); “Методлар ортида: тил ўқитишнинг макростратегиялари” (Bala Kumaravadivelu); “Тил ўқитишда ёндашув ва методлар”; “Тил ўқитиш методологияси” (Jek Richards, Teodor Rodjers); “Тилни алоқа воситаси сифатида ўқитиш” (Henry Viddovson); “Биринчи тилни ўзлаштириш” (Eve Klark).

Она тили таълими мазмуни ҳамда ўқитишдаги ёндашувлар қандай?

✓ Таълим беришда коммуникатив ёндашувга асосланилади, яъни тилнинг мулоқот вазифаси бирламчидир. Мазкур ёндашувнинг моҳияти реал вазиятда нутқни тушуниш, ўз фикрини тўғри ифодалашга ўргатишдир. Шунинг учун ҳар бир мавзу учун алоҳида вазият берилади ва шу вазиятда нутқ воситасида масалани ҳал қилиш талаб қилинади. Ҳаётий кўникмалар маълум бир нутқий мавзулар доирасида амалий йўналтирилган ҳолда шакллантирилади. Коммуникатив ёндашувга асосланган дарсларда фақат ёзма матн билан чекланиб қолинмайди. Тилнинг оғзаки ва ёзма шаклидан дарслар давомида баравар фойдаланилади. Маълумки, ёзма нутқ устида кўп ишлаш оғзаки нутқни ўз-ўзидан ривожланиб қолишига олиб келмайди, чунки ёзма нутқ ва оғзаки нутқ мазмун жиҳатидан бир нуктага бирлашса-да, уларнинг амалга ошиш жараёни инсон онгида бошқа-бошқа механизмнинг ишлаши орқали таъминланади.

✓ Тилни амалиётда қўллаш, яъни матнни ўқиш орқали ҳам грамматика, ҳам унинг қўлланишини ўргатишга асосланилади.

✓ Ўқув материаллари тилни ўзлаштиришда нутқий вазиятнинг ўрни нечоғли муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда танланади, яъни қайси ёшдаги бола қандай мавзуларда мулоқот қилиш, тил бирликларидан фойдаланишга эҳтиёжи борлиги инобатга олинади.

✓ Тил таълими жараёнида лисоний структура эмас, балки мазмун бирламчи эканидан келиб чиқиб, грамматик билимлар спиралсимон шаклда берилади (амалда тил сатҳлари кесимида муайян синфда вертикал тарзда ўқитилган. Аслида, нутқий мулоқотда барча тил сатҳларига эҳтиёж сезилади).

Она тилидан таълим мазмуни тилнинг барча хусусият ва қонуниятлари параллел равишда соддадан мураккабга томон, амалда қўллаш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўргатишга асосланган, яъни малака талабларида кўрсатилган кўникма ва малакаларни эгаллаш учун нутқий мавзу доирасида қайси грамматик билимларга зарурат бўлса, шундан ўқувчининг ёш хусусиятлари ва ўқув имкониятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилган. Бир мавзуга қайта-қайта муурожаат қилиниши ва унинг доимий мураккаблашиб боришига эътибор қаратилган, яъни грамматика тилдан онгли фойдаланиш мақсадидагина ўқитилиши асос қилиб олинади.

✓ Барча услубдаги турли соҳаларга оид матнлар билан танишиш баробарида машқ ва топшириқлар орқали фанлараро интеграция амалга оширилади.

✓ 1–11-синфларда она тилини ўқитиш мазмуни ва узвийлиги таъминланади (амалда бошланғич ҳамда юқори синфларда узвийлик ва мазмунда айрим номувофиқликлар мавжуд эди).

✓ Бўлим ҳамда шу асосда танланган нутқий мавзуларга оид турли услубдаги матнлар боланинг ёш хусусиятларига мос ҳолда танланади, яхлит мазмун ифодалаган матн, матн парчаларини ўқиш, эшитиш ва таҳлил қилишга йўналтирилади.

✓ Она тили таълимида нутқий фаолиятнинг асосий тўрт тури: нутқни тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш амаллари бўйича ҳар бир синфда тақозо этиладиган малака ва кўникмалар меъёрини ривожлантириш, бунда ўқиш ҳамда меҳнат жараёнида, оила ва жамоат жойларида юзага келадиган турли нутқий вазиятларда мустақил равишда фикр алмаша олиш ва фикр баён эта билиш, эшитилган материални идрок этиш, шунингдек, ёзма манбаларни ўқиш орқали ахборот олиш, воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш тарзида мулоқотга кириш, бу жараёнларда зарур бўладиган лингвистик малакани эгаллаб бориш динамикаси назарда тутилади.

✓ Видео ва аудиоматериаллар орқали ёзма кўникма билан биргаликда оғзаки нутқни ривожлантириш кўзда тутилади. Видеоматериал тилнинг қандай вазиятда қўлланаётгани ҳақида тўлиқ тасаввур берса, аудиоматериал уларнинг оҳангини яхши ўзлаштиришга, уларнинг турли ўзгаришлари қандай маъно англатишини тушунишга ёрдам беришига эътибор қаратилган (амалда контекстан ажратиб олинган гаплар орқали бир турдаги малакани ривожлантиришга ҳаддан зиёд кўп эътибор қаратилган).

✓ Бадиий матн танлаш ва матн устида ишлашда боланинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, тилнинг ифода имкониятларини тушуниши ва ҳис эта олиши, “сўзни ҳазм қила олиш” имкониятлари эътиборга олинади.

✓ Таълим жараёнида ўқувчиларнинг воқеа-ҳодисаларни кузатиш, англаш, қиёслаш, анализ ва синтез қилишга ўргатиш орқали ижодий тафаккури, танқидий фикрлаш доираси ривожлантириб борилади.

✓ Ўқув фани орқали ХХИ аср кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

✓ Ҳар бир машғулот тил оёзлаштиришнинг табиий лабораторияси сифатида ташкил этилади.

Она тилидан яратилаётган замонавий дарсликларда нималар акс этган?

Дарсликнинг ўзига хослиги шундаки, мавзуга мос методика ва технологиялар ҳар бир нутқий мавзу доирасида изчилликда тақдим этилган, яъни турли хилдаги қизиқарли дидактик ўйинлар, ўқув материаллари, кўргазмалилик дарсликдан ўрин олади. Ўқитувчи тажрибаси ҳамда маҳоратидан келиб чиққан ҳолда уни такомиллаштириши мумкин. Иллюстратив материаллардаги ўқувчига тушунилиши қийин бўлган сўзлар дарсликнинг орқа қисмида махсус луғатга жойлаштирилишидан ташқари уларни табиий ҳолда ўзлаштиришга қаратилган махсус машқлар ҳам ишлаб чиқилган. Қуйида 6- ва 7-синфлар учун танланган нутқий мавзулар рўйхати билан келтирилган.

6-синф	7-синф
Тил – мулоқот воситаси	Ижтимоий тармоқлар
Қисқача таржимаи ҳолим	Замонамиз қаҳрамонлари
Шифохона	Турон йўлбарси
Глобал исиш	Қутб юлдузи
Қайта ишланадиган чиқиндилар	С витамини
Кўз нурини асрайлик	Кураш – миллий спорт тури
Жигар – энг меҳнаткаш аъзо	Келажак касблари
Дехқон юртни боқадди	Ветеринар
Компютер графикаси	Мақсадли харажатлар
Телебошловчи бўлиб қолсам	Бобомнинг пенсияси
Импорт ёки экспорт	Физика ҳаётни енгиллаштиради
Солиқларни тўлаб борасизми?	Электромобил
Электрон почта	Тутилмай гапираман
Менделеев элементлари	Ёзувчи бўлиш осонми?
Техника хавфсизлиги	Очиқ осмон остидаги музей
Ҳадисларнинг ҳикмати	Темирйўллар
Сайёҳларга “гид”лик қилсам-чи?	“Бобурнома – мемуар асар
Пештоқдаги битиклар	“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа
Минораи калон	фестивали
Буюк ипак йўли	Олий Мажлис
Оқсаройга битилган ҳикмат	Муаллифлик ҳуқуқи
Миниатюра – мўъжаз сурат	
Конституция – бош қомусимиз	
Давлатни ким бошқаради?	
Ўз депутатингизни биласизми?	

Мазкур нутқий мавзулар фан-техниканинг сўнгги ютуқларини ўзида акс эттириши, танланган матнлар ахборот беришгагина эмас, балки фаннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадларига хизмат қилишга йўналтирилгани, мавзулар доирасида расм, харита, чизма, жадвал, диаграммаларнинг берилиши ўқувчиларда мажбуран эмас, табиий ҳолда ўз она тилининг имкониятларини ўрганиш, фанга нисбатан қизиқиш ҳиссини

уйғотади. Шунингдек, она тили дарсларида тилимизнинг турли услуб, турли шаклларда қандай намоён бўлишини табиий лаборатория шароитида кузатиш, она тилининг барча ўқув предметларининг ўрганиш ва ўргатиш воситаси эканлигини чуқур англаш, тилдан илмий ва амалий фаолиятда самарали фойдаланишларига имкон яратади.

Дарслик асосида ишлаб чиқилган “Ўқитувчи китоби”да ўтилатган нутқий мавзулар доирасида қандай малака талаблари қўйилгани, бунда қайси жиҳатларга эътибор бериш лозимлиги, машқ ва топшириқларни бажариш билан боғлиқ методик йўл-йўриқлар, дарсни қандай технология асосида ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар берилади.

Она тили фанидан яратилаётган янги авлод дарсликлари таълимнинг кундалик ҳаёт ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлигини таъминлашга, олинган билимларни амалиётда қўллай олиш лаёқатини шакллантиришга, бошқа ўқув фанлари билан узвий боғлиқликни таъминлашга йўналтирилган ўқув адабиётларидан биридир.

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари давр тақозо этган она тили таълимидаги ислохотларни қўллаб-қувватлашлари, эзгу мақсадларни биргаликда амалга оширишлари лозим. Таълимдаги ўзгариш ва янгиликлар уларнинг машаққатли меҳнати, фидойилиги туфайлигина натижа беради. Зеро, Абу Наср Форобий таъбири билан айтганда: “Билим, маърифат, яхши ахлоқ билан билимдон, маърифатли, етук, мукамал инсон етишади. Бунинг учун таълим жараёни ўқитувчи томонидан тўғри ташкил этилиши, бошқарилиши ва маълум мақсадларга йўналтирилиши лозим”.

### **Адабиётлар:**

1. Azimova I. Ona tili ta'limida lisoniy malakani rivojlantirishning psixolingvistik asosi. Global ta'lim va milliy metodika. Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – Toshkent, 2019. – B. 215–224.
2. Yo'ldoshev R., Mirjalolova L. Ona tili ta'limida kompetensiyaviy yondashuv. – T.: Fan va texnologiyalar, 2015. – 48 b.
3. Mavlonova K. Ona tili ta'limini takomillashtirish zarurati. O'zbek tilini dunyo miqyosida keng targ'ib qilish bo'yicha hamkorlik istiqbollari. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman mater. – Toshkent, 2020- yil, 19–20-oktabr. –B. 501–506.
4. Mavlonova K. Ona tili va o'qish savodxonligi fanini o'qitish: ta'lim mazmuni va yondashuvlar. Boshlang'ich ta'lim. – Toshkent, 2021-yil, 8-son. – B. 6–10.
5. Mavlonova K va b. Ona tili ta'limida o'quvchilarning hayotiy ko'nikmalarini shakllantirish mazmuni / Modernizatsiya qilingan o'quv dasturlari va darsliklarini amaliyotga samarali joriy qilish texnologiyalari: tahlil, metod va vositalar. Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. 2022-yil, 29-aprel. – B. 90–98.
6. Mavlonova K. va b. Ona tili. 6-sinf o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma. – T.: Respublika ta'lim markazi, 2022. – 192 b.

7. Mavlonova K. va b. Ona tili. 7-sinf o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma. – T.: Respublika ta'lim markazi, 2022. – 192 b.
8. Mengliyev B. va b. 10-sinf o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma. – T.: Respublika ta'lim markazi, 2022. – 192 b.
9. Мавлонова К., Т.Юсупова, Ш.Наралиева. Ўзбек тилини ўқитиш методикаси. 1-қисм: ўқув қўлланма. – Алматы: Эверо, 2021. – 216 б.
10. Мавлонова К., Т.Юсупова, Ш.Наралиева. Ўзбек тилини ўқитиш методикаси. 2-қисм: ўқув қўлланма. – Алматы: Эверо, 2021. – 204 б.
11. Менглиев Б. Тилшуносликнинг амалий масалалари. Монография. – Тошкент: Globe Edit, 2020. – 100 б.
12. Umumiy o'rta ta'limning ona tili fanidan Milliy o'quv dasturi (1–11-sinf). – Toshkent, 2020. <http://uzviylik.tdi.uz/>
13. Qodirov V. Til va adabiyot ta'limiga yangicha yondashuvlar yuzasidan mulohazalar. Global ta'lim va milliy metodika. V an'anaviy respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – Toshkent, 2021. – B. 33–37.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 14-сон.
15. Azimova I. Ona tili bo'yicha Milliy o'quv dasturida qo'llangan yondashuv. [https://www.youtube.com/watch?v=TqAkPZ\\_0M8o](https://www.youtube.com/watch?v=TqAkPZ_0M8o)